



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 20 апрель, № 80 (7310)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МУНОСАБАТЛАРИ АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 18 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк Ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро борди-келди қилган. Самарқанддаги "Афросиёб" музейида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатларимиз вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак иштироқлар самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 — 25 ноябр кунлари Корея Республикаси билан давлат ташрифи ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битимлар, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 64 та ҳужжат имзоланди. Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа сифатида мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 апрель куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин тор доирада учрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни қутлаб, бу узоқ кутилган ва муҳим ташриф эканини алоҳида таъкидлади.

— Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ишончли ва устувор шериги. Мен 2017 йилги учрашувимизни мамнуният билан эсламан. Музокараларимиз самимий ва конструктив рўҳда ўтган, салмоқли ҳужжатлар имзоланган эди. Бу кейинги йиллардаги ҳамкорлик ривожига асос бўлди. Сизнинг ушбу ташрифингиз давлатлараро муносабатларимизда янги суръат бағишлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳида изчил ривожланишига қайтди.

— Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга, Буюк Ипак йўлининг маркази бўлган ўлка. Бугунги кунда мамлакатингиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Ўзбекистонни Жанубий Кореянинг ўзаро инвестициявий алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган "Янги шимолӣ сийёсати" да муҳим ўрин тутувчи шерик деб биламиз. Сизнинг Сеулга ташрифингиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклиги мустақамлашга эришган эдик. Бу сафар уни алоҳида стратегик даражага кўтариш ниятидамиз, — деди Мун Чжэ Ин.

Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорлигини янада мустақамлашга стратегик

масалалардан бири сифатида қарайди. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, 2017 йилда қабул қилинган Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнот томонларнинг ҳамкорликка содиқлиги, дўстлиги ва ўзаро ишончидан далолатдир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Корея Республикасининг глобал ҳавфсизликни таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган, Корея яриморлидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустақамлашга йўналтирилган тинчликсевар сийёсатини маъқуллайдди.

Ўз навбатида, Корея Республикаси 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлигини мустақамлаш" ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияларини қўллаб-қувватлади.

Парламентлараро алоқалар, ҳукуматлар, вазирлик ва идораларнинг делегациялар алмашувлари фаоллашди,

ташқи сийёсат идоралари ўртасида сийёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали тус олди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топиш, "соатларни солиштириб олиш" мақсадида сийёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича яқдил фикр билдирилди.

Икки мамлакат ҳамкорлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий алоқалардаги ўсиш суръатлари ижобий баҳоланиб, уни янада ошириш учун имкониятлар қўпчилиги қайтди. Шу мақсадда ҳуқуқий ва институционал инфра-тузилмани такомиллаштириш, турли даражадаги ташрифлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ўзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар музокара-ни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги деярли барча жабҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қўлайлик тартиби ўрнатилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро буйича ҳукуматлараро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга

оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил 4 мартда Тошкентда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. 2018 йилда иқтисодий масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарлари мажлиси формати ҳам йўлга қўйилди. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда Жанубий Кореялик инвесторлар иш-тироқида тузилган 660 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси тўлиқ хорижий сармоя ҳисобидан ташкил қилинган. Бу икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Юртимизда ушбу мамлакатнинг 75 та компанияси рўйхатдан ўтган. 2018 йилда Инчон шаҳрида "Ўзбекистон — Корея савдо уйи" очилди. У Ўзбекистоннинг дунё стандартларига мос махсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб беришда муҳим роль ўйнамоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни олқишлади. Бу мамлакатимизга инвестициялар ва юқори технологиялар келишини кўпайтириб, қўшма қийматли махсулотлар ишлаб чиқариш, доимий иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон энергетика, нефть-газ, кимё, кончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoati, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини қайтди. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизда ўзларини эркин ва қўлай ҳис қилишлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади.

Музокарада мазкур соҳалардаги янги имкониятлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналарида корхоналар ташкил этиш, "электрон ҳукумат"ни ривожлантириш, инновацион ва ижтимоий соҳалар бўйича қадрлар тайёрлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим, маданият соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизнинг мактабгача таълим тизимида Жанубий Корея тажрибаси кенг жорий этилмоқда.

Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаган. Бугун Ўзбекистонда яшаётган 180 мингдан зиёд корейс диаспораси кўп миллатли жамятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корейс маданият марказлари уюшмаси, вилоятларда унинг бўлинмалари фаолият юритмоқда. Уюшма юртимизда ва хорижда корейс тили, маданияти, урф-одат

ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

2017 йили Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги "Дўстлик" боғида ёдгорлик монументи очилди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Сеул номи берилди. Корейс халқининг маънавий-маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Корея маданияти уйи қуриб битказилди. Ушбу маскан халқароимиз абадий дўстлигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари Жанубий Кореядаги 45 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Пойтахтимизда Корея Республикасининг тўртта университети филиали очилган.

Тиббиёт соҳаси ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг молиявий-техник кўмағида ўзбекистонлик мутахассислар Жанубий Кореядаги етакчи клиника ва марказларда малака оширмоқда, корейлик шифокорлар томонидан мамлакатимиз аҳолиси беғараз асосда тиббий қўриқдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мазкур соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Жанубий Корея Президенти илгор тажрибалардан фойдаланиш ва кадрлар малакасини оширишга ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирди.

Самарали музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоледи.

Ҳукумат ва вазирликлар ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳамия қилиш, эркин савдо битими тузишни ўрганиш, тинч мақсадда фазонини тадқиқ этиш, фан, технология ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея марказини ташкил этишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф доирасида мактабгача таълим, меҳнат ва бандлик, адлия, қишлоқ хўжалиги, капитал бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес, ўсимликлар карантини соҳаларида, шунингдек, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари ўртасида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзолангани қайтди.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифингда Президентлар аънанавий дўстлик, очкилик ва ўзаро англашув руҳида кечган музокаралар натижаларидан мамнунигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2019 – 2021 йилларда республика аҳолисига ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига эндокринология ёрдамини кўрсатишнинг яхлит, вертикал интеграцияланган тизими яратилди. Эндокринология муассасаларини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш ва эндокрин касалликларни профилактика, диагностика қилиш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, эндокринология хизматини янада ривожлантириш эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда қандли диабет ва йод танқислиги ҳолати юзага келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши, шунингдек, эндокринология йўналишларини болалар эндокринологиясининг талаб юқори бўлган йўналишлари билан биргаликда қайта қўриб чиқишни талаб этмоқда.

Ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдамини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифати ва имкониятларини ошириш мақсадида:

1. 2019 – 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдамини кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастури (кейинги ўринларда — Миллий дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактикага тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тубдан яхшилаш;

қандли диабетга чалинган беморларнинг онлайн-регистрини яратиш, беморларни даволаш амалиётига қандли диабетнинг сурункали асоратлари юзага келиши ва ривожланишини камайтиришга қаратилган клиник ёндашувларни жорий қилиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

вилоятлар эндокринология диспансерлари ва филиалларда эндокрин хирургия, диабетик тўпик, диабетик нефропатия ва реанимация бўлимларини ташкил қилиш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш;

"қандли диабет" ташхиси қўйилган болалар, ўсмирлар ва ҳомилдор аёлларни аналогли инсулин ҳамда инсулин юбориш учун мосламалар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

худудий ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари негизида профессионал инсулинотурларни жалб қилган ҳолда эндокрин касалликларга чалинган беморлар ва уларнинг оила аъзоларини касалликларни тўғри олиб бориш ва назорат қилишга ўқитиш;

эндокринология муассасаларининг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустақамлаш;

эндокринология соҳасидаги маҳаллий илмий тадқиқотлар қўламини, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш амалиётига ҳаёндаги илгор тажрибалар, илмий ишланмаларни татбиқ қилиш;

янги эндокринология муассасаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий диагностика ва махсус тиббий ускуналар, воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали эндокринология муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг моддий-техника базасини янада мустақамлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қуйидагиларни мунтазам равишда амалга оширишни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин:

қандли диабетнинг I тури билан касалланган болалар ва ўсмирлар учун аналогли инсулинлар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чизикчалар) марказлашган тарзда харид қилиш ва барча вилоят эндокринология диспансерлари орқали тарқатиш;

калий йодид препаратлари билан узлуксиз таъминлаш орқали аҳолининг касалликка чалиниши ҳавфи юқори бўлган гуруҳлари (болалар, ўсмирлар, ҳомилдорлар ва эмизикли аёллар) орасида йод танқислиги касалликларини профилактика қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ушбу бандни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг штаблар нормативларини қўшимча эндокринолог, шу жумладан, болалар эндокринологи лавозимларини киритишни штат бирликлари доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 19 апрель

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Атом тинчлик ва тараққиётга хизмат қилади

Асримизнинг ярмига бориб мамлакатлар энергиянинг янги манбалари ҳақида қарор қабул қилишларига тўғри келади.

Америкалик Майкл Шелленбергер ўз ҳаётини табиатни муҳофаза қилишга бағишлаган. Бундай ишларда ҳар бир ҳолатга эътиборли бўлишга интилади. Яъни у кўпинча велосипедда юради, қайта иш-лаш осон бўлган нарсаларни сотиб олади. Бироқ она сайёрамизда инсон томонидан етказилаётган жуда оғир таъсири камайтириш учун бу жуда оз, деб ҳисоблайди. Шунинг учун глобал қарор қабул қилиш лозим. Шелленбергерда ана шундай ташаббус пайдо бўлди. Яъни “Атроф-муҳит қаҳрамони” (“Time” журнали уни шундай эътироф этган) одамлар ва мамлакатларга атом энергетикасини ривожлантиришни тарғиб қилапти.

Экологнинг чиқиси Сочидаги “Атомэкспо — 2019” халқаро форумига ўзига хос хулоса ясаб берди. Зеро, унда нафақат атом энергиясининг афзалликлари, ядро технологиялари имкониятлари ҳақида, балки атоф-муҳитни асраб-авайлашга хизмат қилиши ҳақида сўз юритилди.

Илмий тадқиқотларга қараганда, кўш батареяларнинг фойдаланиш мuddати туғалган, улардан ҳосил бўладиган чиқинди АЭСга нисбатан уч юз баробар кўп бўлади. Бу реал экологик хавфдир, — дея таъкидлайди Шелленбергер. — Бу парадокс, лекин дунёда у ҳақда гапиришни ёқтирмайди. Кўпинча ядро чиқиндилари хусусидаги хавотирларни эшитиб қоламиз. Гарчи улар ҳар қандай давлатда қатъий назорат остида турса, хавфсизлик протокоliga мувофиқ муҳофазаланса ва утилизация қилинса ҳам. Қолаверса, атом электростанциялари анча ихчамроқ. АЭС ишлаб чиқарадиган электр энергияси эквивалентини етказиб бериш учун икки минг баробар кенг майдонга кўш панелларини ўрнатилиш зарур. Одатда геостанция остидаги худудлар ёввойи табиатдан ажратиб олинади.

Ушбу фаол тафаккурдаги кўплаб тушунчаларнинг ўзгариб қолаётганини асосий муаммо деб билади. Зеро, “ядро” одамларининг тушунишга туйғайли кулини кўкка совирадиган қурол ва бунёдкор энергия ўртасидаги фарқ назардан четда қолиб кетаяпти. Радиация хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин. У тадқиқотлардан келиб чиқиб, АЭС ишчиси пассив чекувчида 1,7 баробар кам, мегаполисда яшовчи инсондан қарийб уч марта кам радиация дозасини қабул қилиб олишини тасдиқлайди. Бошқа маълумотлар ҳам бор: ЖССТ хисоб-китобларига кўра, дунёда хавонинг инфлосаниши оқибатида ҳар йили етти миллион киши ҳаётдан кўз юмади. Атом энергияси эса зарарли СО₂ манбаси — кўмир, мазут ва газнинг муқобили бўлиб, 1,8 миллион одам умрини сақлаб қолади.

Иккита сўз моҳиятини ўзгартирди

“Атомэкспо — 2019” павильонларини шакллантиришда яшил рангдаги “эко” услуби инсталляциялар устунлик қилди. Шу орқали ядро энергетикаси келажак учун табиатни химоялаш бўйича умумий тенг-

ламининг бир қисми эканлиги ифодаланди. Форум ташкилотчиси — “Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвнинг сўзларига кўра, ядро энергетикасининг дунё балансидаги ўлуши 11 фоизга тенг.

Агар у бўлмаганида, атмосферага икки миллион тоннадан зиёд СО₂ чиқарилган бўлар эди.

МАГАТЭ вакиллари-нинг қайд этишларига, бугунги кунда атом технологиялари ва индустрияси ҳаётни фаровонлаштириб бўлмади. Икки йил олдин мазкур халқаро агентликнинг широк “Атом тинчлик учун” деб номланганда. Сўнг бу борадаги ўсиш иккита қисқа сўзда акс эттирилди. Мазмун-моҳият ва қамров эса тўлиқ ўзгарди. “Атом тинчлик ва тараққиёт учун” тезиси соҳани умумбашари ривожланишининг ҳақиқий ҳаракатлан-тиривчи драйверига айланади.

ИХРТнинг Ядро энергияси бўйича агентлиги бош директори Уильям Мэгвуд IV инсоният унга хизмат қила оладиган ресурслар ҳисобига ривожланади, деб ҳисоблайди. Тинч атом эса — ушбу тадрижий закирнинг давомидир. Асримизнинг ярмига келиб, айрим башоратларга кўра, ҳатто бундан ҳам олдинроқ барча мамлакатлар янги энергия манбаси бўйича қарор қабул қилишга тўғри келади. Мазкур мураккаб саволнинг жавобларидан бири атом генерациясидир.

— Тармоқ юқори сифат стандартлари ва хавфсизлиги сабаб тартибли фаолият юритишга олиб келади, бошқа соҳалардаги маҳаллий корхоналар рақобатдошлигини оширади, — дейди Ҳиндистоннинг Атом энергияси бўйича комиссияси раиси Камлеш Вьяс. — Юртимда 20 дан ортиқ реакторлар ишламоқда, яқин вақтда яна ўн тасдан зиёд бўлади. Гап тоза энергия ҳақида кетганда АЭСга тенг келадигани йўқ, деб ишонч билан айта оламиз. Бу тиббиётга ҳам тааллуқли. Ядро технологиялари хинд мутахассисларига онкологияни даволаш имконини беради.

— Шубҳасиз, жамиятда бу борада жуда эҳтиёткор қарор қабул бўлган эди. Чунки Беларусь Чернобыль ҳалокати таъсиридан жуда кучли азият чекканди, зеро, у

“Русатом — Международная сеть” тармоқ мажмуаси ва мамлакатимиз Фанлар академияси Ядро физикаси институти ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум радиоизотоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда радиациявий ишлов бериш бўйича ўзаро алоқаларда янги уфқларни очди. Ушбу ҳужжат радиация технологиялари

МАГАТЭ маълумоти-га кўра, дунёда 450 ядро энергетик реактори мавжуд. Аини пайтда яна 55 та шундай реактор бунёд этилмоқда.

ва ядро тиббиётини ҳамкорликда ривожлантириш имконини беради.

Реактор билан танишиш имконияти — фақат журналистларда

Эдуард Свирид — маълумоти бўйича педагог. Электр энергияси қандай ишлаб чиқарилиши, ядро реактори ишининг умумий принциплари, ушбу иншоот қай даражада хавфсиз эканлиги ҳақида оддий ва тушунарли гапириб бериш унга Беларусь атом электр станцияси ахборот бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритишга ёрдам беради.

Хозирча станциянинг ўзи ишга тушмаган, ҳар иккала энергия блоки ҳам 2020 йилдан фаолият бошлайди. Бироқ ахборот маркази жорий йилда ўзининг ўн йиллигини нишонлайди. У “3+” авлодидаги АЭСга тамал тоши қўйилишидан уч йил олдин ташкил этилган. Худди шундай иншоот Ўзбекистонда ҳам қурилади.

— Шубҳасиз, жамиятда бу борада жуда эҳтиёткор қарор қабул бўлган эди. Чунки Беларусь Чернобыль ҳалокати таъсиридан жуда кучли азият чекканди, зеро, у

қўшни республикада жойлашган, — дейди Эдуард Свирид. — Рўй берган воқеанин ҳақиқий сабаблари ҳақида маълумотнинг етарли эмаслиги, қолаверса, оддий физикага оид билимларнинг камлиги бу борадаги хавфсизлаш илдизини ташкил этади. Одамлар авария бўлгани, на таъми, на хиди бор “радиация” сўзини эшитишган эди. Ўзлари учун номаълум нарсалар уларни хавотирга солган эди. Билимдон инсонлар эса станция мамлакатда қандай фойда келтиришни дарҳол тушунишган. Масалан, бизнинг АЭСда Чернобыль асоратларини бартараф этганлар ишлашмоқда.

Беларуслик мутахассиснинг айтишича, атом, ҳақиқатан ҳам, тинчликка хизмат қилиши шу бўйича қарорнинг ягона ва тўғри эканлигини тасдиқлайди. Хали қурилиш майдонида бир дона ҳам техника

маърузачилар таклиф этилади, ўқув дастурлари ўтказилади, ядро энергетикаси ҳақида сўз юритилади. Марказ доимий янгилашуви экспозициялар ва маъруза хоналари, ҳам анъанавий, ҳам ўйин шаклида хикоя қилиш учун компьютерларни ўзига мужассамлаштиради.

Хали янги, лекин тажрибали

Ахборот маркази ҳақидаги мақсад муҳим ва долзарб, албатта. Сабаби, ҳамюртларимиз Ўзбекистон учун янги бўлган энергия воситаси ҳақида кўп нарсани билишлари даркор. Ўзбекистоннинг соҳада янги эканлиги ҳақидаги тасдиқлар аслида ҳақиқатга тўғри келмайди. “Росатом” бош директори ўринбосари Кирилл Комаровнинг нуқтаи назари шундай. Унинг айтишича, мамлакатда ўн йиллар давомида уран қазиб чиқарилади, Фанлар академиясига эса профессионал атомшунос олим раҳбарлик қилапти. Республикада тинч атом ва у билан қандай ишлаш борасида улкан илмий ва технологик тажриба тулганлар. Ўз навбатида, Россия компаниялари иссиқ иқлим шароитида ишлашни ўрганиб олган. Россиядаги жанубий АЭС жойлашган Ростов областида хаво харорати сезиларли даражада юқори. Янада жануброқдаги мамлакатларда ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, Ҳиндистондаги “Куданкулум” АЭСи қарийб Ҳинд океани қирғоғида жойлашган, Эрондаги “Бушер” АЭСи эса жуда иссиқ иқлимда қурилган ва фаолият юритаяпти. Худди шундай шароитларда Туркияда АЭС барпо этилаётган бўлса, Мисрда бундай иш бошлаб юборилди.

Атом станциялари эксплуатацияси сув хавзалари ҳолатига таъсир этмайди, деб ҳисоблайди К. Комаров. — Сув сифати ҳақида гап кетганда, куйидаги мисолни келтириб ўтиш ўринли. — дейди у. — Россияда денгиз ва океан қирғоғида жойлашган АЭС деярли йўқ. Бундай объектларнинг кўпчилиги мамлакат ичкарисиди. Шу каби станцияларнинг яқинида ховуз-совиткич мавжуд. Бундай ховуларда ҳар йили балиқ тутиш бўйича мусобақалар ўтказилади. Табиийки, тутилган балиқлар кейин истеъмол қилинади. Амалиёт бундай балиқлар саломатлиги учун мутлако хавфсиз эканлигини кўрсатаяпти.

Балиқ ови, бу — фойдали иш, албатта. Иқтисодий жиҳатдан бу Ўзбекистонга қандай наф беради? Экспертларнинг бошқа давлатлардаги мисолларга таяниб таъкидлашларича, АЭС қурилишига сарфланган ҳар бир доллар маҳаллий етказиб бериувчиларга икки доллар келтиради ва ЯИМ-ни тўрт долларга кўпайтиради. Бу ўзгередорларга эга мамлакатлар учун, аиникса, фойдалидир: ҳўжалик эҳтиёжлари учун тегишли арзон атомдан фойдаланиш ҳисобига бўшаган ресурслардан янада катта фойда олиш мумкин.

Аргентина ва Кенияда нима деб ўйлашади?

Моливий фойдалар кўриниб турибди. Бир килограмм ядро ёқилгиси ажратиб чиқарадиган энергия қарийб юз тонна кўмир ажратиб чиқарган энергия билан тенг. Германияда кўш ва шомол энергетикасига ўтилиши иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, деб топилаган. Экспертлар ушбу мамлакатда карбонат ангидрид гази ташламалари электр энергияси нархлари билан бирга ўсиб боришда давом этишига ишончлари комил. Йирик ривожланган иқтисодиётларга эга давлатлар эса атом йўлидан кетмоқда. Хитой, БАА, Миср, Туркия, Йордания, Саудия Арабистони шулар жумласидан. “Росатом” лойиҳа офиси катта менежери Анжелика Халперсканнинг баҳолашлари, дунёда аниқланган уран захиралари 120 йилга етади. Ёқилгидан бир неча босқичларда фойдаланиш кенг жорий этилса, у камида минг йилга етади.

Биринчи навбатда, бундай узоқ муддатли прогнозлар ёшларни қизиқтиради. — Мамлакатимиздаги ўғил-қизларни энергия манбаси атофидидаги вазият жуда хавотирга солаётди. Ёшлар ўз ота-оналарига зарурат бўлмаганда чироқни ёқиб қўйишгани учун дакки беришяпти. Уларнинг бунга маънавий ҳақи бор: айнан ўтган давр авлодидан бизга экологик хавф ёқасига келиб қолган сайёра мерос бўлиб қолди. Ёшлар ҳаммиша прогрессив ёшлар тарафдор. Жумладан, энергетика бора-борида ҳам. Ядро энергияси ҳам уларнинг ичидан жой олган, — дейди Аргентина Ёш атомчилари уюшмаси етакчиси Гомер Омил-Хуан-Пабло. Кения ҳам соҳадаги истиқболларни англаган ҳолда атом клуби сафига кирмоқчи. Мазкур давлатнинг Атом энергетикаси бўйича кенгашининг ҳаммаотилик билан алоқалар бўйича директори Буюк Бассетнинг сўзларига қараганда, АЭС моҳиятига кўра, ёшлар лойиҳасидир. Чунки у келажакка йўналтирилган. Станциянинг ўртача хизмат қилиш мuddати 60 йил, лекин уни 100 йилгача узайтириш мумкин. Кениялик мактаб ўқувчилари муҳандислик ярмаркалари, махсус таълим дастурларида катта қизиқиш билан иштирок этишмоқда. Болалар ядро технологиялари ҳақида билганли ҳолда ушбу йўналишда ўқиши ёки ишлаши ҳам шарт эмас. Уларда математика ва физикага қизиқиш оқша, шунинг ўзи муваффақият.

Ўзбекистонда қурилажак АЭСнинг бўлажак мутахассислари ҳам мамлакатдан ташқарига чиқмай соҳавий ва чуқур билим олиши мумкин. “ММФИ” Тошкент филиали шу йилдан ил талабаларини қабул қилади. Элиқанд зиёд ёшлар Москвада қуриладиган “Росатом” Техника академияси ва “Узатом” агентлиги ўртасидаги ядро таълими соҳасидаги мақсадларга оид битим ҳам қўшилиши имкониятларини очди. У Сочидаги “Атомэкспо — 2019” форуми доирасида имзоланди. Келишувга мувофиқ, жорий йилдан оқ ўзбекистонлик ўқитувчилар кейинчалик Тошкентдаги ядро олий ўқув юртида ўз билимлари билан ўртоқлашишлари учун Техника академияси курсларида ўқиш имкониятига эга бўлишади. Мамлакатимиздаги тармоқ таълим ташкилотларига зарур адабиётларни юбориш ҳам режалаштирилмоқда.

Рустан КЕНЖАЕВ («Халқ сўзи»). Тошкент — Сочи — Тошкент

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ. БУНДАН ХАВАРДОРМИСИЗ?

Жорий йил 9 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, йўл ҳаракати қоидаларига бир қатор янгиликлар жорий этилди.

Билиб қўйган яхши

БИРИНЧИДАН, ЭНДИЛИҚДА КУННИНГ ЁРУҒ ВАКТИДА ХАМ БАРЧА АВТОМОТО-ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЯҚИННИ ЁРИТУВЧИ ЁКИ КУНДУЗГИ СИГНАЛ ЧИРОҚЛАРИНИ ЁҚИБ ХАРАКАТЛАНАДИ.

Автоуловнинг чироғи ёниқ бўлса, ҳайдовчилар ҳам, пидедалар ҳам уни узоқ масофадан илғайди ва дарров ҳушёр тартади.

ИККИНЧИДАН, ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ВА ПАСАЙТИРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИГА ХАМ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ.

Авваллари маҳаллий ҳокимликларга фақатгина тезликни ошириш ваколоти берилган эди. Таҳлил ва ўрганишлар натижасида на-

фақат тезликни кўтариш, балки айрим йўл участкаларида тезликни пасайтириш зарурати ҳам мавжудлиги аниқланди.

Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлақларида баъзи транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини ошириш ва пасайтириш (тегишли йўл белгиларини ўрнатган ҳолда) ваколоти берилди.

УЧИНЧИДАН, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИНГ 41-БАНДИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ШУ ПАЙТГАЧА АХОЛИ



Ҳаракатдаги автомобилнинг чироғи ёниқ бўлиши керак! Бунга риоя этмаган автоулов эгаси моддий жавобгарликка тортилади!

ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛГАН ТУРЛИ ҚАРАШЛАРГА ЧЕК ҚЎЯДИ.

Мисол учун, авваллари светофорнинг ёки тартибга солувчининг тақдирловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида ҳар хил ҳолатда тўхташишган. Қўнчилик автомобилнинг гилдираги чизикни босмаса бўлди, деган фикрда эди. Бунга ҳам аниқлик киритилди. Яъни ушбу ҳолатда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак.

Тўртинчидан, АЙЛАНМА ХАРАКАТ-ЛАНИШ ЧОРАҲАСИДА ХАРАКАТЛАНАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ АЙЛАНГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА НИСБАТАН УСТУНЛИККА (ИМТИЁЗГА) ЭГА БЎЛДИ.

Илгари тескари қоида мавжуд эди, яъни айланага кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунлик қўлланиларди. Булардан ташқари, давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ўттизга яқин қўшимча йўл белгилари киритилди. Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани сабабли биз ой мuddатда тегишли вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради. Булар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда маълум қилинди. Тадбирда автоулов эгаси киритилган янги тартиб ҳамда қоидаларга амал қилмаган тақдирда шу йилнинг 10 май санасидан эътиборан белгиланган тартибда жарималар солинишига сабаб бўлиши эслатиб ўтилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Бухорода замонавий клиника барпо этилмоқда

Бухоро шаҳрида Жанубий Кореянинг “Korea medical fund Sangwon Clinic HitChan” клиникаси филиали барпо этилмоқда. Бу лойиҳа рўёби учун хориклик инвесторлар 6 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишяпти.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз ўзаро ишонч асосида жадал ривожланиб бормоқда, — дейди лойиҳа ташаббускорларидан бири Сео Леонг Пилл. — Хусусан, давлатнинг раҳбари 2017 йилда Жанубий Кореяга амалга

оширган давлат ташрифи чоғида биз, тадбиркорлар билан учрашиб, Ўзбекистонга инвестиция киритиш таклифини билдирганимизга алоқаларга янги сурат бағишлади. Юртингизда қулай инвестициявий муҳит яратилган. Бунга ўз фаолиятимиз мисолида

изки, ушбу йирик клиниканин Жанубий Кореяда 8 та касалхонаси бор. Унда икки минг нафардан зиёд маалаки тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатяпти. Бухоро вилояти ҳокими бошчилигидаги делегациянинг ўтган йилда Жанубий Кореяга қилган сафари чоғида мазкур клиника филиалини барпо этиш юзасидан шартнома тузилган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

Республика олимпия закиралари теннис мактаби (РОЗТМ)

2008-2009 йилларда тўнган, ўрта умумтаълим мактабларининг 4-синфини битирган, теннис бўйича таъбирлов турдода камида 3 йил шуғулланган, шунингдек, 2007-2008 йилларда тўнган, 5-синфни битирган, республика чемпионатлари гольфи ва сарвондор бўлган ҳолда Ўзбекистон теннис федерацияси рейтингига эга ўғил ва қиз болалар қабулини тўлон қилади.

Ўқувчилар 2019 йил 1 июлдан 30 июлга қадар қуйидаги мақомдаги топширилади: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ялангон мазоҳси, РОЗТМ.

Танлов-тест симоалари 2019 йил 5 августдан бошланади.

Тўлиқ маълумотни вилоятлар теннис федерациялари ҳамда вилоятларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, шунингдек, қуйидаги сайтдан олишга теннис мурома: www.tennis.uz. Тошкент шаҳридаги телефон: 71-203-94-95.

mevel expo UZBEKISTAN

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ЁРОНГА ИШЛОВ БЕРИШ, МЕБЕЛЬ ВА ИНТЕРЬЕР

16-кўчаларо кўргазмаси www.mevelexpo.uz

24 25 26 2019 апрель

Ташкилотчиси: **Itessa**

ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Дистрибуция ваколати: **blum**

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси “Халқ сўзи”нинг Фарғона вилояти бўйича муҳбири Элёржон Эҳсоновга отаси **Аъзамжон ЭҲСОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklama@mail.ru, reklama@xs.uz

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИ САЙЛАШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

Ишчи гуруҳ раиси:



фуқаролар вакилларининг йиғилишини **очади ва олиб боради**.
Кун тартибига қуйидаги масалаларни киритади ва тасдиқлаштирилади:
➔ **саноқ комиссиясини сайлаш;**
➔ **фуқаролар йиғини раисини сайлаш.**



Йиғилишнинг **иш регламентини** (номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт) тасдиқлаштирилади.
Шу жумладан, **3 — 5 нафардан** иборат қуйидаги таркибда **раёсат аъзоларини** тасдиқлаштирилади:

- ➔ **ишчи гуруҳ раиси;**
 - ➔ **туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссия аъзоси;**
 - ➔ **1 — 3 нафар фуқароларнинг вакиллари.**
- Ишчи гуруҳ аъзолари орасидан **йиғилиш котибини** тасдиқлаштирилади.


Овоз бериш якунларини санаб чиқиш учун **5 — 11 нафардан** иборат таркибда **саноқ комиссиясини** сайлаш тавсия этилади.



Санок комиссияси аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, **комиссия раисини** аниқлаб олади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси **алифбо тартибда** ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади ҳамда улар билан **савол-жавоб** амалга оширилади.


Бюллетенлар санок комиссияси томонидан кўчалар бўйича тузилган алоҳида **рўйхат асосида** бевосита **овоз беришдан олдин** берилди.



Овоз берувчи **яширин овоз бериш кабинасида** ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси қаршисида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+», «✓» ёки «x» белгиларидан бирини қўяди ва бюллетенни муҳрланган **махсус қутига** ташлайди.



Сайлов қутиси овоз бериш тугаллангани эълон қилинганидан сўнг **санок комиссияси томонидан сайловчилар олдида очилади**, овозларни санаб чиқиш жараёни барча сайловчилар олдида сайлов натижалари аниқланмагунга қадар **танаффуссиз** давом эттирилади.



Санок комиссияси томонидан ҳар бир номзод бўйича **овозлар сони, бузилган бюллетенлар сони** кўрсатилган **икки нусхада** баённома тузилиб, имзоланади ҳамда санок комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва **фуқаролар вакилларининг йиғилиши** томонидан тасдиқланади.



Баённомада фуқаролар вакилларининг **жами сони, иштирок этган фуқаролар вакилларининг сони** ҳамда **овоз беришда қатнашган фуқаролар вакилларининг сони** алоҳида кўрсатилади.

Шунингдек, баённомада ҳар бир номзодга берилган **овозлар сони, бузилган бюллетенлар сони** кўрсатилади.



Фуқаролар йиғини раиси сайланганлиги бўйича фуқаролар вакилларининг **йиғилиши қарори** раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Янги сайланган **раис табрикланади** ва раёсатга таклиф этилади.



Йиғилиш сўнггида раислик қилувчи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ, **бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва тафтиш комиссиясини сайлаш** бўйича вакиллар йиғилишини ўтказиш кунини овозга қўйиш орқали белгилаб олиб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

